



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
17 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 74
(12.085)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

«Заркентагроинвест»: ХАРИДОРЛАРИМИЗ ХОРИЖДАН

Бир тасаввур қилиб кўрайлик. Аввалги тузум даврида Заркент қишлоғида қўшма корхона барпо этиш мумкинми? Нафақат Паркент туманидаги ушбу қишлоқ, балки Ўзбекистоннинг ўзида ҳам бунинг имконияти йўқ эди. Тўғрироғи, бу ҳақда, ҳатто, гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Хайриятки, тақибу тўсиқлар замони ортда қолди, тақдорларимиз тарихга айланди. Мустақиллик, бозор муносабатлари, туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шарофати билан астойдил меҳнат қиламан деган ишбилармон тadbirkorлар учун барча имкониятлар эшиги кенг очилди. Нафақат имконият балки турил имтиёзлар ҳам шахсий бизнесини йўлга қўйишга интилаётганларга катта далда бўлапти. Заркент қишлоғидаги «Заркентагроинвест» қўшма корхонаси ана шундай имконияту имтиёзлар тўғрисида бунёдга келган.

Аслида бу корхона бундан уч йил бурун ташкил топган бўлиб, асосан узумни

эзиб, винобоб ҳам ашё ҳолида тумандаги вино заводида топширади. Бу йилдан бошлаб эса, корхона чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштирди ва фаолиятини анча кенгайтирди. Шу мақсадда Италиянинг DELLA TOFFOLA компанияси билан шартнома тузилиб, хориждан олиб келинган замонавий техникалар ҳисобига эски усуналар юз фоиз алмаштирилди. Натихада корхона йилига уч минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Маҳаллий ҳолидан 27 киши учун янги иш ўринлари очилди.


Хозирги кунда италиялик уч мутахассис корхона иш-

чилари сафида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатмоқда ва маҳаллий ишчиларга ўз тажрибаларини ўргатмоқда.

Биз кўпга фермер ҳўжалиқларини ҳам етиштирган маҳсулотларини ўтказиш учун харидор излаш ташвишидан халос қилдик, — дейди корхона раҳбари Мингафар Ашуров. — Туманимиздаги узум етиштирувчи 130 та фермер ҳўжалиғи билан шартнома тузганимиз. Улар етиштирган ҳамма ҳосилларини бизга топширишади.

Дарҳақиқат, корхона фаолиятининг кенгайтиши фермерлар учун ҳам аниқ мунофиқ бўлди. Шу билан бирга корхона ҳам муқим хом ашё базасига эга бўлди.

Биз 1,5 гектар токзордан 25 тоннадан ошириб ҳосил олаёмиз, — дейди корхона билан шартнома тузган фермер Эргаш Шерматов. — Шунча узумни бир мавсумда сотишга улгуриш қийин. Аммо, «Заркентагро-



инвест» корхонаси бор экан, узумимиз ишқомда қолмайди. Энг муҳими шундаки, биз бунинг ташвишини қилмаймиз, узумни корхонанинг ўзи ташиб кетади.

Мавриди келганда, бу корхона билан шартнома асосидаги ҳамкорликнинг яна бир афзал жиҳатини айтиб ўтмоқчиман, — дейди яна бир фермер Ҳайдар Юнусов. — Корхонага жўнатган узумимизнинг пули орадан «уч банк иш куни» ўтмай, ҳисоб рақамимизга келиб тушади. Бу ёғидан ҳам кўнглимиз хотиражам.

Узумдан асосан икки хил маҳсулот, яъни узум шарбати ҳамда вино учун тайёр хом ашё ишлаб чиқариб, юз фоиз россиялик мижозларимизга сотамиз, — дейди директор ўринбосари Ҳайрат Ашуров. — Уйлайманки, бу корхонамизнинг халқаро бозорларга чиқиш йўлидаги илк ва хайрли қадами. Зеро, келажакда иш фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадидаги излашларимиз давом этаёпти.

Абдусамат Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТАЛАРА: фермер Эргаш Шерматов ҳосилнинг ҳам муа, ҳам сарҳилигидан мамнун; италиялик мутахассис Кевет Георгалзе ва Аяём Ашуров совутиш ускунасини кўздан кечиришмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи, Қори Нибзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Республика таълим маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда истиқбол йилларида халқ таълими тараққиёти ва истиқбол» мавзусида илмий амалий конференция бўлиб ўтди.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

Унда халқ таълими тизими ходимлари, илгор педагоглар, мураббийлар, олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Ф. Шоумаров Президентимиз Исроом Каримов ташаббуси билан истиқболнинг дастлабки йилларидан ёш авлоднинг пухта билимини, мустақил фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга баркамол шахс этиб тарбиялаш давлат сийёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаганини таъкидлади. Зеро, таълим ҳисоб малакасини юксалтиришда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг қисқа ва самарали тизими жорий этилди.

Таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, касб малакасини юксалтиришда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг қисқа ва самарали тизими жорий этилди. Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган йиллар мобайнида ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 6,2 баробарга оширилди. Конференцияда таълимда сифат ва самардорликка эришишнинг асосий омиллари, таълимнинг услубий таъминоти, тизим олдидаги долзарб вазифалар ҳусусида маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

У.А.

Инсон ўзинг

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон сўнгги 17 йилда босиб ўтган тарихий давр давомида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида жажоннинг ривожланган давлатлари тан олаётган улкан муваффақиятларга эришди. Бу, аввало, давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистон халқи танлаган тўғри йўл ва олиб борилган оқилона сийёсат самарасидир. Шу ўтган даврда асосий устувор вазифалардан бири бўлмиш халқнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишига жиддий эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида улим жазосини беркор қилиш тўғрисида»ги Фармони инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муҳим тарихий ҳужжат бўлди ва 2008 йил 1 январдан бошлаб улим жазоси жиноят қонунчилигидан бутунлай олиб ташланиб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатда озоқликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинди ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида Юртбошимиз «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самардорлиғи жазонинг оғирлиғи ва шафқатсизлиғига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлиғини нечоғли англашига боғлиқ» дея таъкидлаганларидек, жазонинг қайта тарбиялаш ва оғохлантириш таъсири унинг қанчалик муқаррар ва адолатли эканидадир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрда қабул қилинган қарорига биноан 2011 йилгача фармацевтика соҳаси корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш дастури тасдиқланган эди.

Уни амалга оширишда нафақат ушбу соҳада анчадан буён фаолият кўрсатиб келаётган йирик ишлаб чиқарувчилар, балки кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Мамлакатимизда бундай корхоналар сони йил сайин ортмоқда.

Мисол учун, шу йилнинг август ойида пойтахт вилоятининг Қибрай туманида ташкил этилган «Аgro bio kimyo» масъулияти чекланган бинодо умумий қиймати 140 минг долларлик усуналар ўрнатилди. Янги корхона қисқа муддатда 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Дезинфекцияловчи воситаларга шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқа корхоналарда талаб катта, — дейди мазкур жамият бош директори Асадул-

ла Ражабов. — Замонавий дезинфекцияловчи воситалар илгари асосан хориждан валютага харид қилинар эди. Шу сабабли ҳали-ҳануз таркибида хлор, фенол ва захарли бирикмалар мавжуд воситалардан

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

фойдаланиш ҳоллари учраб туради. Биз эса истеъмолчиларга замонавий дезинфекцияловчи, стерилизацияловчи воситалар, олти хил турдаги антисептикларни тақдиф этамиз. Улар илгор илмий ишланмалар асосида яратилган бўлиб, четдан келтирилатган препаратлардан арзонлиғи билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, «Аgro bio kimyo» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари захарлилик-гигиеник ва микробиологик текширув-

лардан ўтган, Ўзбекистонда рўйхатга олинган ва тегишли сертификатларга эга. Бундай маҳсулотлар санитария-техник усуналарни ва хоналарнинг юза қисмларини дезинфекция қилишга мўлжалланган бўлиб, тозабоя ювиш, ҳидларни йўқотиш учун ҳам ишлатилади. Мазкур дори-дармон воситалари сувда тез эрийди, ишлов берилётган юза

рилизация қилиш учун «АКВАДЕЗ-НУК 15» дори воситасини ишлаб чиқдик. Уни тайёрлашда республикамизда катта миқдорда ишлаб чиқариладиган сирка кислотаси ҳамда водород перексидидан фойдаланилмоқда.

Хориждан тайёр маҳсулотга қараганда хом ашё олиб келиш афзалроқ ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришни ҳисобга оладиган бўлсак, айтиш мумкинки, «Аgro bio kimyo» импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидан бормоқда.

Корхонанинг Европадаги ҳамкорлиги билан арзон нархда сотилмоқда, уларга хорижий харидорлар ҳам қизиқиш билдиришмоқда. Бу эса «Аgro bio kimyo»нинг экспорт салоҳияти катталигидан далолатдир.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Қибрай туманида истиқомат қиладиган 20 га яқин фуқаро корхонада иш билан таъминланди. Корхонада яқин келажакда ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши ва янги ишлаб чиқариш линияларини ишга туширилиши билан янги иш ўринлари ҳам кўпаяди.

А. АРИСТОВ,
У.А. муҳбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

АНГРЕНДА ЯНГИ КОРХОНА

Асақда ишлаб чиқарилаётган автомобиль учун бутловчи қисмлар янги йилдан Ангренадаги Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигида ташкил топган «Шули» қўшма корхонасида тайёрлана бошлайди.

Шу мақсадда шаҳардаги ностандарт темир жиҳозлари заводининг фойдаланилаётган йиғув цехи корхона томонидан тўлиқ реконструкция қилиниб, чет эл усуналари билан жиҳозланмоқда. Бир йилда 180 минг донадан зиёд бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган бу корхонада 100 га яқин иш ўринлари очилиши кутилмоқда.

Мунавара ИСОКУЛОВА.

ИСТИҚБОЛИ ҲАМКОРЛИК

Олмалик сановат касб-ҳунар коллежида ёшлар пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Бу ерда ўн икки йўналиш бўйича 1592 ўқувчи таълим олаётир. Замонавий ўқув-лаборатория хоналари, спорт мажмуаси, ошхона ҳамда маҳсул устанона ёшлар ихтиёрида. Ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Аммофос» акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Учун ҲАМДАМОВ.

МАРОҚЛИ САЁҲАТ

«Оҳангароншифер» ҳиссдорлик жамиятининг бир гуруҳ ёш ходимлари қадимий ва навқирон Бухорога саёҳат қилишди. Ёшлар йилида белги-ланган тадбирларда амалга оширилган бу мароқли сафар кўнчилиқда катта таассурот қолдирди.

Бухорода кўрган осориатдиқалар бир умр ёдимиздан чиқмайди, — дейди шифер цехининг ишчиси Умид Орзиқуллов. — Ушбу саёҳат учун корхонамиз маъмурияти ва касаба кўмитасига катта раҳмат.

Ёш ишчилар ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд даҳмаси, Ситорай Моҳи Хосса мажмуи, Арк, Исмоил Сомоний мақбараси, Девонбег мадрасаси, Минораи Калонни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Озод ХУШНАЗАРОВ.

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси — 205.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Жорий йилнинг 10 сентябрдан 10 октябрга қадар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан "Тоза ҳаво" акцияси ўтказилди.

Маълумки, XXI асда инсоният ҳаётига таъдир солаётган хавфлардан бири бу экология муаммосидир. Албатта, ҳар бир давлат бу муаммони бартараф этишда маълум бир чора ва тадбирларни амалга оширади. Мазкур акция ҳам юртимизда атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилди.

Ушбу акция давомида мутасаддилар томонидан автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар миқдорини аниқлаш, хайдовчилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Дарҳақиқат, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилувчи автомобилларнинг кўмаги билан бир қаторда зарарли оқибатлари ҳам мавжуд. Албатта, кундалик фаолиятимизда керак бўлган автомобиллардан нафақат фойдаланиш балки, уларни ўз вақтида техник кўриқдан ҳам ўтказиб туриш лозим. Бироқ, бу ҳолга қўлчилик хайдовчилар билан бўлишига бу заруратни келтириб чиқарилади. Буни бундан асосий мақсад айрим айрим ҳолларда ўтказиш заруратида эса атроф-муҳит мусаффолиги ҳиддий зарар етказиши.

Мутасаддиларнинг фикрича, автомобилнинг ёқилгиси, яъни бензиндан ҳаракат давомида углерод оксиди, азот оксиди, қўроғини бирикмаси каби зарарли моддалар ажралиб чиқади. Бу инсон саломатлиги учун ҳиддий хавф туғдиради. Техник ҳолати соғ бўлган автомобилларда бу каби моддалар ажралиши бир мунча камаяди.

Шунингдек, мутасаддилар бир ой давомида автомобилларнинг экологик талабларга нечоғли жавоб беришини кўриқдан ўтказишди.

Автоуловни ҳар уч ойда махсус назоратдан ўтказиб туриш лозимлиги, хайдовчиларга маълумот сифатида ис газининг атроф-муҳитга етказиши мумкин бўлган зарарлари хусусида маълумотлар берилади.

Ушбу тадбирдан қўзланган асосий мақсад айрим айрим ҳолларда ўтказиш заруратида эса атроф-муҳит мусаффолиги ҳиддий зарар етказиши.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс».

Инсон ўзинг

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақилликдан аввал бизнинг Жиноят кодексимизнинг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазоси мавжуд эди. Мустақилликдан сўнг эса, Республика Президентининг сўй-ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси белгиланган моддалар босқичма-босқич қисқартирилиб борилди. Чунинчи, 1994 йилда моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага келтирилди. 2003 йилнинг охирида эса, бу жазо тури 2 та жиноят, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учунгина қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мақолати Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида ўлим жазосини жиноят жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масаласини ўртага ташлади. Шундан сўнг Юрбощимизнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 8 августдаги "Қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги қарорларининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бўлган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Бу улам воқеани

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳалқимиз катта хайрихоҳлик билан қўлиб олди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Мақолати ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят учун тайинланиши, аёлга, ўн саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтимиз ёшдан ошган эркакларга нисбатан бундай жазо тури тайинланмаслигини таъкидлаб, "Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жиноят жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноят жазоларининг энг инсонпарвар ҳуқуқи тизимларидан бири ташкил этилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди" деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг биринчи, қонуний, иккинчи, ташкилий, учинчи ва тўртинчи, тарбиявий ва туртинчи, халқаро-ҳуқуқий асослари яратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ягона дастур яратилган бўлиб, унда миллат, халқлар, инсонлар тенглиги, уларнинг муносабати, дўстлиги соҳасида давлат ва барча ташкилотлар

нинг фаровонлиги учун бир-галликда ҳаракат қилишлари лозимлиги ўз ифодасини топган. Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси"нинг 60 йиллиги бу йил кенг нишонлаётгани муносабати билан 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниб, Адлия вазирлиги ҳам унинг ижроси юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, демократия каби умумбашарий қадриятларни ўзбекистоннинг давлатлик манфаатларига, халқининг ўзига ҳослигига, унинг аънава ва одатларига тўла мос келади. Бизнинг жамиятимизда инсон ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқимизнинг онги, маънавий-ахлоқий дунёқараши ва таърибаси, меъраш-шафқатлиги, ҳушёрлиги, сезgirlлиги, бағрикенглиги ва оқилжонлиги билан мустаҳкамланади.

Акмалхон ИНОҲОБОВЕВ, республика Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Янги техника – ишлаб чиқаришга



Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс».

КОНСТРУКТОРЛАР ИЗЛАНИШДА

Янги техника ва технологияларни, кичик механизм ва бошқа ускуналарни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида иқтисодий ўсиш суръатларини муттасил ошириб боришда муҳандислик тафаккури ҳамда илганувчанлигининг ўрни алоҳида. Уни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш яқинда қанот башилайди, ангилки яратишга интилишни кучайтиради, технологик жараёнларни тақомиллаштириш йўллари кенгайтириб, маҳсулот сифати яхшиланиб боришига, унинг ҳажмлари ортишига хизмат қилади.

— Муҳандис-конструкторлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мустақиллик йилларида корхонамизда яқин бир аънавага айланди, — дейди "Ўзбекинимешаш" очик акциядорлик жамияти меҳнат фахрийларидан бири Анатолий Бугаев. — Ҳозирги босқичда бош конструктор бўлимига талантлик муҳандис — техника фанлари номзоди Тоир Раҳмонов раҳбарлик қилапти. Конструкторларимиз яратётган ускуналардан бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг қон-қидирини ишлашида, нефть ва газ коньялари, нефть ва газнинг қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида унумли фойдаланилапти. Нефть ва газ коньяри учун блокли ускуналар яратилганлиги энг сўнгги янгилликлардан биридир. Бу муҳандислик юксалини амалга оширишда етакчи конструкторлардан Идрис Жемилев, Александр Шетинин, Сервер Халилов, Индира Жемилева, Вера Мажараларнинг хиссалари айниқса, катта бўлди. Яқинда "Компас" конструкторлик дастури бўйича ўқитиш ташкил этилди. Россия Федерациясининг Петербург шаҳридаги конструкторлик ўқув маркази билан шартнома асосидаги бу машғулотларни ўтказишга ва бош конструктор бўлимида шу дастурни жорий этишга корхона маъмурияти 10 минг доллар миқдориде маблағ сарфлаганлиги айтилди, муҳандис-конструкторлик излашишларини ривожлантиришга қаратилган эътибор хусусида аниқ тасаввур пайдо бўлади. Икки босқичда

ўтган ўқувда корхонанинг 6 конструкторига шу дастурда ишлаш учун сертификат топширилди.

Қувонарлиси шундаки, бош конструктор бўлимига кейинги йилларда иқтидорли ёш муҳандислар келиб қўшилиаяпти. Улар юқори малакали устозлар раҳбарлигида амалий кўникмаларини бойитиб, мураккаб топшириқларни ҳам муваффақиятли бажаришга эришиаяпти.

Корхонада "Энг ёш конструктор" кўрик-танлови муттасил ўтказиб келинаяпти. Бу йил 11 ёш конструктор бичинчи ўринларга даъвогарлик қилишди. У тўрт босқичда ўтказилди. Дастлаб даъвогарларнинг конструкторлик ҳужжатлари билан ишлаш лаёқати синаб кўрилди. Иккинчи босқичда улар техник-назарий билимларини намойиш этишди. Сўнг даъвогарларнинг ҳар бири муайян детал эскизини ишлаб чиқиб, унинг иши чизмасини шахсий компьютерда тайёрлаб кўрсатди. Пировадиде танлов иштирокчилари ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини таъминлаш борасидаги малакаларини, умумий тайёргарлик даражасини намойиш қилиб, мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаяпти сийсий-иқтисодий ислохларнинг боришига доир саволларга жавоб беришди. Ҳар бир босқич натижаларида даъвогарлар кўлга киритган баллар умумлаштирилиб, голибар аниқланди, Зафар Исमतов корхонанинг энг яхши ёш конструктори, деб эътироф этилди. Ёш конструкторлардан Эшон Селихоннова — иккинчи, Константин Роткин — учинчи ўринларни эгаллашди. Энг ёш иштирокчи номинацияси бўйича Бахтиёр Аметов билан Алфия Азизова голиб деб топилдилар.

Табиики, бундай эътибор ёшларда билим ва малакани муттасил ошириб боришга, янгиллик излашга иштиёқни кучайтирмоқда. Бугун корхона мамлакат кимё, нефть ва газ саноати учун ишлаб чиқарётган машина-ускуналар турининг ортиб боришида муҳандис-конструкторларнинг хиссалари салмоқли бўлаяпти.

Юсуф ЖУМАЕВ, конструктор иш устаси.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

АНЖУМАНГА ҲОЗИРЛИК

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш доирасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Ёшлар бугун» ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида талабалар фестивали ташкил этилиши ҳам режалаштирилган.

19 сентябрь кун очилган олий ўқув юрти талабаларининг фестивалига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Унинг дебосчаси сифатида таътилдан қайтган 400 га яқин талабалар иштирокида мусиқа ва спорт байрами бўлиб ўтди. «Ёшлик» стадионига ўтган тантаналарда талабалар таниқли эстрада хонандалари ва кулги усталарининг чиқишларидан баҳраманд бўлишди. Эътиборлиси, мана ўн кундири, шаҳарча ҳар кун та-

Элёр УРОЛОВ, ўзМУ талабаси.

2008 йил — Ёшлар йили



Мунира ИСАЕВА.

ЁШ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент вилояти, Қирғай туманида яшовчи Шариповга ҳам ушбу ҳужжат асосида берилаятган имтиёз ва имкониятлар жуда қўл келди. У Республика акциядорлик тижорат "Ипотекабанк"нинг Чирчиқ шаҳар филиали томонидан тақдим этилган 27 милли-

он сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан тўрт хонали уй сотиб олди. — Бугун оиламизнинг қувончи кечис, — дейди Ш. Шарипов. — Бундай ҳур-сандчиликка етишимиз учун имконият ва имтиёз яратиб берган Юртбошимиздан фаят миннатдорим.

Тошкент туманида яшовчи Мансур Соипов анча вақтдан бери меъбел олишни режалаштириб юрган эди. Унинг ҳам орзуси ушaldi. — "Микрокредитбанк"нинг Келес филиалидан уч йил муддатга истеъмол кредити олиб, меъбеллар тулла-

КОНТРАФАКТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Мамлакатимизда контрафакт, яъни сохта-лашрилган маҳсулотларнинг тарқатилишига чек қўйиш юзасидан барча ҳуқуқий асослар яратилган ва у бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан асарлар, жумладан, кино, видеофильмлар, клиплар, фонограммаларни сотиш, ижарага бериш, ўрнатиш, алмаштириш, соғва (ҳадя) қилиш ва бошқа ҳолатлар қонунбузилиш ҳисобланади. Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ сохта-лаштилган маҳсулотлар мусодара этилиб, йўқ қилинади.

Яқинда пойтахтимизда ана шундай маҳсулотларни йўқ қилиш бўйича навбатдаги акция ўтказилди. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг ташаббуси билан солиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда ноконунийлиги аниқланиб, суд қарорига асосан мусодара этилган 75 миң дондан зиёд CD, DVD, VCD дисклари ҳамда видеокассеталари жамоатчилик иштирокида йўқ қилинди.

Ушбу маҳсулотлар пойтахтнинг Чилонзор, Миробод, Яқкасасой ва Ҳамза туманларидаги "Нирвана" МЧЖ, "CD профи" фирма дўканлари ва бошқа шаҳобчалардан рейдлар пайтида қалбақлиги аниқланиб, мусодара қилинди. Биргина Яқкасасой туманидаги "Нирвана" МЧЖнинг қонун талабларига зид равишда сотиш учун тайёрланган жами 71 миллион сўмлик 13994 донга ҳар хил турдаги сохта-лаштилган маҳсулотли олиб қўйилди.

— Интеллектуал мулк дахлсиз ва унинг муҳофазаси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини

Рустам ХУДОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги масъул ходими.

ми харид қилдик, — дейди М. Соипов. — Президентимизнинг фармони асосида берилган ушбу кредит оиламизга қувонч келтирди.

Маълумотларга кўра, акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилоти филиали томонидан жорий йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллиард 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Унинг 550 миллион сўмдан ортиғи ёш оилаларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш учун сарфланган бўлса, қолгани узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олишга йўналтирилган.

Ҳолмурод САЛИМОВ, ўза муҳбири.



Мунира ИСАЕВА.

Замонадош суратига чизилар

КАСБГА САДОҚАТ

Бош директор қабулхонага дадил кириб келган ўрта яшар кишига саволмуз бокди: — Келинг, ака! — Шу десангиз, касбим — хайдовчи, — гап бошлади норғил киши. — Курилиш трестиде автобус ҳайдаб юрардим. Энди десангиз, бозор иқтисоди шароитига чидамадим, ташкилотимиз тарқаб кетди. Бу ёнга болачака дегандим... Эшим кирк тўқизда. Хуллас, сизларда ишласам дегандим.

Бош директор ўйланиб қолди. Дарҳақиқат, кўп йиллардан бундан бундан автобус қаровисиз этипти. Хайдовчи йигит уни хусусийлаштириб олиш ҳаракатида юрипти. — Кечирасиз, исмингиз нима? — Ҳабибулло... Ҳабибулло Носиров. — Ҳабибулло ака, бир автобусимиз бор, бориб кўринг, юргазса бўлармикан? Агар юрса, ишга оламиз. — Майли, бориб кўрайчи. Йигитнинг овози дадил чиқди.

Автобус Убайд қишлоғилик Нишонбойнинг уйда дақла набаътан экан, деярли ишдан чиқиб, тувуқхона вазифини ўтаркан. Гараж бозифи Акбар Турсунбоев ҳам бу янги йигитга ачиниб қараб, бошини чайкаб қўйди. Боя директорга шалок автобус менга тўғри келмайди деганида туғуларди, ҳаёлидан ўтказди у.

Автобусни юк машинасига судратиб, олиб келишди. Гаражда баъзи томошталлаб хайдовчилар, чилангарлар дам бу пачоқ машинага, дам Ҳабибуллога ачиниб қараб, гоҳлари мийғида қулиб ҳам қўйишди.

Ҳабибулло ишга тушиб кетди. Аввало, автобус моторини синчиклаб кўздан кечирди, зарур эҳтиёт қисмларини ён дафтарига ёзиб олди. Директор ҳам унинг сўраганларини бекаму кўст қилиб берди. Тез орада мотор гуриллаб ишлаб бошлади. Янги автошиналар ўрнатилиб, автобус сирти бўялиб, бошқача тус олди. Уриндикларга қизил дубоабдан гипоф кийдирилди. Қарабасики, ҳеч қим эпакчага келтирилмаган ёки келтиришни хоҳланмаган техника Ҳабибуллонинг моҳир қўллари теккач, жонли

"нафас" олди. автобус таъмирдан чиққач, ҳаммининг хавасини келтирди. Энди уни Тошкентга, маданият саройларига, театрларга, нозик меҳмонлар хизматида юборилган бўлди.

Орадан ўн йил ўтди. Ҳабибулло "Охангороншифер" хиссадорлик жамиятида энг пешқадам, моҳир хайдовчига айланди. Бунда унинг узоқ йиллар техника рулини бошқаргани, "Ватанпарвар" клубида автоүйириш бўлиб ишлагани қўл келди. Тез орада уни цех касабаси ташкилотига раис, корхона касабаси кўмитаси аъзолигига сайландилар. Гаражда касабаси уюшмаси фаолиятини жонлиб кетди, хайдовчилар моддий ёрдам ола бошлашди, турли савоҳтлар уюштиришга киришилди.

— Узим узоқ йиллар автобус ҳайдасам ҳам тиниб-тинчимас бу одамни устозим деб биламан, — дейди кекса ходим Рўзимат Эрматов. — Мана қаранг, унинг буш вақти умуман йўқ, ҳали жамоат ишлари, хали касабаси кўмитаси, хали маъмурият топшириғи билан банд. Бўш қолса, автобусини кўздан кечиради, ювиб артади.

— Темирнинг ҳам пирим бўлади, — сўхбатни давом эттирди хайдовчи Мақсуд Райимқулов. — Мен бу корхонага ишга келиб, техникани хўрмат қилишни Ҳабибулло акадан ўргандим. Касбни эъзозлаш, ишга садоқат шунчалик бўлади-да.

Гаражда узоқ йиллар диспетчер бўлиб ишлаб, сўнг нафақасга чиққан Валентина Яйқача оғир дардга чалинди. Унинг турмуш ўртоғи Анатолий ҳам автобус хайдовчиси эди, пенсиядан сўнг у ҳам тушаққа миҳланган бўлди. Ҳабибулло етакчилигидаги цех фаолияти Яйқачалар оиласидан хабардор бўлиб туришди. Бироқ, тоғдай аёл Валентинани дард олиб кетди. Гараж жамоаси уни иззат-икром билан дафн этди. Анатолийга далда беришилди.

— Минг раҳмат сизларга, — деди кўзига ёш олиб меҳнат фахрийси. — Катorda норинг бўлса, юнги ерда қолмас экан. Энг аввало, Ҳабибулло, сenga минг раҳмат, умринг узоқ бўлсин.

— Маслаҳатли иш бор эди, — деб гап бошлади бир куни

Мунира ИСАЕВА.

УЧ ЭГИЗАК ОПА-СИНГИЛАР

Чиноз тумани йўлдошган қишлоғидаги Гафуровлар оиласида қувончли воқеа юз берди.

Шу хонадондаги ёш оила соҳиблари Ақром ва Дибрахонлар бир йўла уч қизли бўлишди. Айни вақтда Тошкент тиббиёт педиатрия институту шифохонасининг туғуруқ бўлимида шифокорлар назоратида бўлган Дибрахон ва эгизакларнинг аҳоли рисоладагидек.

Гафур РАҲИМОВ.

ҲОЙДАЛИ КИМЁВИЙ МОДА

"Максам — Чирчиқ" очик акциядорлик жамияти мутасаддилари илганлиги билан янги хил қоринишма юзбога келди. Карбоимид-аммиак аролшамасидан ҳосил бўлган бу суяқлик азот моддасини сақлайди.

Мутахассислар қишлоқ хўжалиги экинларига қишдан олдин ва кейинги ишлов беришда бу модданинг нафи катта эканини таъкидлашмоқда.

Корхонанинг бу маҳсулоти "Ўзэкспо-марказ" кўргазмалар мажмуасида ташкил қилинган Ўзбекистон экспорт маҳсулотлари экспозициясида муваффақият қозонган.

Ақбар АЛИЕВ.

Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи аҳоли диққатига!

Тошкент вилояти молия бошқармасининг 2008 йил 15 сентябрдаги № ТВ 08-11-3-2008/2 йил соғли реестрига асосан (қўшимча қиймат солиғисиз) ичимлик ва оқова сувига бўлган нархлар қуйидагича белгиланади:

Ичимлик сувига:
Аҳолига — 84 сўм
Бюджет ташкилотларига — 336 сўм
Корхона, ташкилот ва муассасаларга — 493 сўм

Оқова сувига:
Аҳолига — 55 сўм
Бюджет ташкилотларига — 130 сўм
Корхона, ташкилот ва муассасаларга — 335 сўм

ВУ-1 туманлараро "Сувоқова" ИЧШК раҳбарияти.

Долзарб мавзу

Мустақиллик туфайли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, муассасалар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида янги маъ-

навий маърифий масканлар пайдо бўлмоқда. Улар жамиятнинг маънавий эҳтиёжи ҳосиласи бўлиб, баркамол инсонларни тарбиялашдан иборат асосий мақсадга хизмат қилмоқда.

МАҲАЛЛА – МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Ҳўш, бундай масканлар маҳаллалар тизимида қай тарзда намоён бўлимоқда?

Вилоятимизда 1451 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлиб, ақсариятида маънавият хоналари мавжуд. Уларнинг кўпи маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун талаб даражасида жиҳозланган.

Афсуски, кузатишлар бу маънавият масканларида фақат муайян тадбир ва йиғилишлар ўтказилиб, бошқа пайтлари ёпиқ туришлари кўрсатмоқда. Албатта, маънавият маскани фаолиятини бундай ташкил этиш тўғрисида фикримизча, улар ҳар бир жамоанинг юзи бўлиши ва ҳар бир ҳодим бу ердан истаган пайтда маънавий озқуқа олиши лозим.

Шу муносабат билан савол туғилади: "Маҳаллаларда маънавият масканини ташкил этиш учун ягона андоза бўлиши керакми?" Мутахассисларнинг фикрига кўра, ташкил этиш нуктаи назардан ягона андоза бўлиши шарт эмас. Чунки, ҳар бир маҳалла ўз имкониятидан келиб чиқиб, мазмунан ранг-баранг маънавият масканлари ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Лекин улар умумий талабларга жавоб бериши керак.

"Маҳалла" жамғармасининг вилоят кенгаши намунавий маънавият хонасини кўрсатма сифатида жиҳозлади. Ундан мажлислар зали сифатида фойдаланиш ҳам мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари, сиёсий-ҳуқуқий кадриятларимиз, Президентининг маънавий-маърифий ислохотларга оид асарлари, маънавиятга доир адабиёт-

лар, стенд ва плакатлар, маҳалла ҳаётига бағишланган услубий ҳамда бадиий адабиётлардан иборат кутубхона, телевизор, видео ва аудио аппаратлари, керакли қассеталар тўплами ундан жой олган. Шунингдек, проектор ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Муаммоларни ҳал этиш, аҳолига ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш учун, аввало, фуқаролар маҳалла оқсоқоли ва йиғини мутасаддилари юқори малакага эга ва ҳуқуқий саводдон бўлишлари талаб этилади. Шу муносабат билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳодимларининг билим ва малакасини ошириб бориш талаб этилмоқда. Шу боис, "Маҳалла зияси" республика ўқув-услубий маркази билан ҳамкорликда турли машғулотлар ўтказилаётди. Хусусан, жамғарманинг бўлим ва бўлимчлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош мутахассислар ҳамда бош ҳисобчиларнинг ўқув машғулотлари ниҳоясига етди.

Республика Президентининг "Юқсак маънавият – енгилмас куч" китобидаги чуқур фикр ва фикрлар маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришда илмий-назарий асос, амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис туман ва шаҳарлар фаоллари, "Маҳалла" жамғармалари, корхона, ташкилот, муассасалар ҳодимлари учун "Ватан тўғриси ва ватанпарварлик", "Маънавий ҳаётни юксалтиришда маҳалла-

нинг роли ва ўрни", "Ўзбекистон – аллоمالар юрти", "Маънавиятнинг шакллантирадиган асосий мезонлар", "Ватанимиз тараққиётининг мустахкам пойдевори", "Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш – устувор вазифа", "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди", "Маҳалла ҳам она" каби мавзуларда мулоқот, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Истиқлол йилларида тизим фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган, маҳалланинг жамият ҳаёти ва тараққиётдаги ижтимоий-сиёсий мавқеи мустахкамланди, жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгиланди. Бу тизим янгича мазмун ва қиёфага эга бўлиб, ўзбек маҳалласи – фуқаролик институти сифатида дунёга танилди.

Навбатдаги вазифа ҳар бир маҳаллада маънавий мухитни тақомиллаштириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Бунда, энг муҳими, тадбирлар жонли суҳбат, бевоқифа мулоқот, савол-жавоблар шаклида ўтказилиши лозим. Шу муносабат билан "Маҳалла" жамғармасининг ҳар бир шаҳар, туман бўлимлари хузурида тарғибот гуруҳлари ташкил қилинмоқда. Улар фуқаролар йиғинларида "Юқсак маънавият – енгилмас куч" асарини ўрганиш ва тарғиб қилиш юзасидан белгиланган дастурни амалга оширишга киришди-лар.

Сомилжон ШОДИМЕТОВ,
«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Нишондорларимиз

УНИНГ ТРАКТОРИ БУЗИЛМАЙДИ, ЧУНКИ...

Бугун жойларда фаолият юритаётган муқобил машина-трактор паркларига фермер хўжалиқларининг чинакам кўмакдошига айланди. Парк билан бошиданок шартномани пишиқ-пухта қилиб олган фермер айна иш қизиган паллада, техника сув ва ҳаводек зурур бўлиб қолганда ортқича сарсон бўлмайди, иши вақтида битатади.

Ҳўш, бундай ҳолатида, ер билан битта бўлиб ётарди. Хозир бундай аянчли ҳолатни қидириб ҳам тополмайсиз. Мавжуд техникалар таъмирланиб, қайта йиғилиб, ҳаммасидан имкон борица фойдаланилаётди. Бу ҳар бир жамоага мўмайгина даромад келтириш билан бирга қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяпти.

Дарҳақиқат, механизаторнинг фикрларида жон бор. Ҳозир у меҳнат қилаётган паркда 20 та транспорт ва ҳайдов, 3 та "Алтай", 1 та "МКС-140" тракторлари, шунингдек, "Класс-Доминатор" комбайни, 16 та тиркама, ўнлаб агротехник мосламалар бор. Ҳар мавсум 65-70 фермерга шартнома асосида хизмат кўрсатилаяпти. Натijaда, жамоа ҳар мавсум 160 миллион сўм агарчида даромад олаёпти. Биргина пахта йиғим-терими мавсумининг ўзида 80 миллион сўмлик иш бажа-


лар дейсизми, қаровсиз, ер билан битта бўлиб ётарди. Хозир бундай аянчли ҳолатни қидириб ҳам тополмайсиз. Мавжуд техникалар таъмирланиб, қайта йиғилиб, ҳаммасидан имкон борица фойдаланилаётди. Бу ҳар бир жамоага мўмайгина даромад келтириш билан бирга қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяпти.

Дарҳақиқат, механизаторнинг фикрларида жон бор. Ҳозир у меҳнат қилаётган паркда 20 та транспорт ва ҳайдов, 3 та "Алтай", 1 та "МКС-140" тракторлари, шунингдек, "Класс-Доминатор" комбайни, 16 та тиркама, ўнлаб агротехник мосламалар бор. Ҳар мавсум 65-70 фермерга шартнома асосида хизмат кўрсатилаяпти. Натijaда, жамоа ҳар мавсум 160 миллион сўм агарчида даромад олаёпти. Биргина пахта йиғим-терими мавсумининг ўзида 80 миллион сўмлик иш бажа-

рилиши режалаштирилган.

Бу каби мавсумий юмушларда ҳар сафар фаол иштирок этадиган Йўлчибой Тошбоев жамоада алоҳида ҳурмат-эътибор қозongan. Бу беҳиз эмас, албатта. Жамоадорларининг таъкидлашича, у салкам 16 йилдан бери битта – МТЗ-80 русумли тракторни бошқаради. Қарангки, бу трактор шунча йил мобайнида ҳали бирор марта ҳам мукамал таъмирланмаган экан. Бу механизаторнинг ўз касбига меҳри, садоқати, масъулияти туфайли эканлиги шубҳасиз.

Инсон ким ва қайси касб эгаси бўлмасин, агар у жамиятга наф келтирса, ёнтрофиде кечаётган ўзгаришлар, ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаса, жамоада ҳам, жамиятда ҳам обрў-эътибор қозониши тайин. Йўлчибой Тошбоевни ҳам ҳеч иккинламай ана шундай заҳматкаш инсонлар қаторига қўйиш мумкин. У ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзи хизмат кўрсатадиган деҳқонлардан олқини олмоқда, фермерлар ишончини қозонмоқда, ҳеч кимдан кам бўлмай, рўзгор тебратмоқда. Турмуш ўртоғи Замирахон билан икки ўғил, бир қизини воёга етказишмоқда.



Яқинда нишонланган энг улуг, энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик шодийнаси Тошбоевлар оиласига яна бир хурсандчилик олиб келди. Байрам арафасида Юртбошимиз Фармонига биноан давлатимизнинг юксак муқофотларига сазовар бўлган замондорларимиз қаторида Юрчириқчи туманидаги "Аргаччи" муқобил машина-трактор парк механизатори Йўлчибой Тошбоев ҳам бор эди. Эртасига бугун жамоада байрам бўлиб кетди.

Файрат ШЕРАЛИЙЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
СУРАТДА: механизатор Йўлчибой Тошбоев.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ЎХАНГАРГА ТУМАНИДАГИ "ЎНАРМАНД" КИЧИК КОРХОНАСИ Ишлаб чиқарётган нафис буржумлар харидориг бўлиб қолди.

ЎНАРГА МЕХР УЙҒОТИБ

Мохир тадбиркор Сайёра Ҳамралиева бошчилиқ қилаётган жамоанинг кўли гул хотин-қизлари тайёрлашга ётган бежирим тақинчоқлар кўпчилиги эътиборини ўзига тортимоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА КЎМАКДОШ

Ўзбекистон замини газ, кўмир каби табиий захирага бой, лекин улар битмас-туганмас эмас. Шу боис, Президентимиз Ислам Каримов ташаббус билан амалга ошириладиган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар доирасида мамлакатимизда кўйиш, шамол ва биомасса каби муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги "Милк-Агро" фермер хўжалигида ишлаб чиқариш кенгайтирилиши баробарида электр ҳамада иссиқлик таъминоти учун харажатлар анча камайди. Бу борада уларга Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Технологиялар трансфери агентлиги ёрдам кўрсатди. Хўжалик электр энергиясига бўлган эҳтиёжини катта қисmini ўз ресурслари ҳисобидан қопламолда. Бу ресурсларни қорвақчилик

фермасининг чикиндиларида ишлайдиган биогаз қурилмаси ишлаб чиқармоқда. Ускуначи лойиҳалаш ҳамда ишга туширишни бевоқифа агентлик мутахассислари амалга оширди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур янги технология хўжаликнинг шароитига ва эҳтиёжига мослаштирилди. Қишлоқ аҳолиси эса бундан миннатдор. Зеро, улар бошлангич ҳом ашё учун деярли ҳеч қандай харажатларсиз 250-300 куб метр газ

олмоқда. Яқин орада фермерлар бу ресурсларни қўлаш қўламини кенгайтириб, ундан машина ва тракторлар учун ёқилғи сифатида фойдаланишни ҳам режалаштирмоқда. Ишланманинг ана бир афзаллик жиҳати шундаки, у ўзидан иккиламчи махсулот – ўғит ишлаб чиқаради. Деҳқонлар тажрибасига кўра, бундай ўғит экологик жиҳатдан тоза бўлиб, тупроқ таркибини қайта тиклайди ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини 40 фоизгача оширади. Олимлар ва қишлоқ аҳолисининг ҳамкорликдаги тажрибаси билан Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Фарғона вилоятлари фермерлари ҳам қизиқмоқда. Улардан агентликка бу каби биогаз қурилмаларини қуриш ва ишга тушириш учун бюртмалар келиб тушди.

Экологик тоза энергия олиш учун қорвақчилик чикиндиларидан фойдаланиш Технологиялар трансфери агентлиги томонидан амалга ошириладиган лойиҳалардан бири, ҳолоқ. Агентлик фаолиятининг асосий йўналиши мамлакатимизда қайта тикланган энергетикани ривожлантиришни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ўзбекистон шароитида эса бундай энергетика катта истиқболга эга. Мамлакатимиз ҳудудидаги қўллаб-қувватлашдан йилнинг 350 кун қувили бўлади, доимий шамол эсиб турадиган очик майдонлар ҳам кўп. Ушбу истиқболли янгиликлар мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳалларини, энг аввало, иқтисодиёт соҳасини ислох қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган изчил ишлар самарасидир.

Анна ИВАНОВА,
ЎА муҳбири.

01 огоҳлантиради

ТАДБИРКОРЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар халқ хўжалигида, жумладан, ишлаб чиқариш ва савдо-саноат тармоқларида, аҳолига маданий-مائий хизмат кўрсатиш тизимларида янгилаштирилган даврини бошлаб берди.

Бу турмуш тарзининг ўзгаришига, айна пайтда янгича мулкнинг муносабатларининг шаклланишига олиб келди. Тадбиркорлик ҳаракати кенг йўл очилди. Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусий мулкчиликка кенг ўрин берилиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эътибор кўчайтирилди. Бугунги кунга келиб тадбиркорлик иқтисодий ривожланишининг муҳим бугунларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлар фаолиятини янада тараққий эттиришга эътиборни кўчайтирди.

Ички ишлар бўлиmlари ёнги хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари,

айниқса, микрофирмалар ва кичик корхоналарда ёнги хавфсизлиги чораларини кўчайтиришга интилишяпти. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этишда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилаётди. Биз бу ишни тадбиркорлар фаолиятини ҳалал берган ҳолда эмас, балки улар ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш йўли билан амалга ошираётимиз. Корхона ва фирмаларда ёнгиининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлар, маслаҳат-учрашувлари ўтказилаяпти. Натijaда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самардорлиги ортиб, улар хавф-хатарсиз иш олиб боришлари учун қулай шарт-шароитлар юзага келаяпти.

Р. РАҲИМБОВ,
ёнги хавфсизлиги бўлими раиси.



МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Аммо, тўйдан кейин бошланадиган мустақил ҳаёт, оила турмушига барча ёшларни ҳам бирдек тайёр деб бўлмайди. Улар ҳар томонлама соғлом, барқарор оила қуриб, аҳил ашоб кетишлари учун маълум кўникма ва билим талаб этилади. Чирчиқ шаҳар фуқаролик ҳолатларида далолатномалар ёзиш бўлими қошида ташкил этилган "Оила доирлигунинг" да олиб бориладиган машғулотлар айнан шу мақсадга йўналтирилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Нихоҳ шартномаси", "Эр-хотиннинг шахсий ва ҳуқуқий мажбуриятлари", "Нихоҳ тузиш тартиби ва шартлари" каби ҳужжатлари ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Еш оилаларни қўллаб-қув-

ватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, "Нихоҳланувчи ёшларни тибиий кўридан ўтиш учун йўлланмалар берилди. Ташкилий ишларда, айнақса, маҳаллалар билан ҳамкорлик янги натижа бермоқда, – дейди шаҳар ФУДЕ бўлими мудариси Ф. Назираева. – Аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, Оила кодекси ва бошқа қонунлардан бошқар бўлишлари ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар ва корхоналар диққатига!
«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» унитар корхонаси қуйидаги объектга **ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

"НІТАСНІ турдаги экскаваторни харид қилиш"
Олдиндан тўловлар 100 фоизгача Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.
Етказиб бериш мuddати: барча тўловлар тўлангандан сўнг 90 кун ичнда.
Молиялаштириш: "Тошкентгазтаъминот" УКнинг ўз маблағлари ва фойдаси ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси: Тошкент вилояти "Тошкентгазтаъминот" давлат унитар корхонаси.
Буюртмачи манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 59-А уй.
Факс: (+99871) 150-31-11. Тел.: 150-30-95.
Етказиб бериш талаби: СІР Тошкент вилояти, Қибрай шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 59-А уй.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 2 фозиз микдоридаги танлов савдоларида иштирок этишни таъминлаб беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар, маҳсулотлар)ни етказиб бериш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлигини, танловга қўйилган предметиға ўхшаш махсулотларни етказиб берганлиги ва шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лақақатга эга бўлишлари лозим.
Ундан ташқари транспорт воситаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
– Пневмоҳоддаги экскаватор, қавлаш сиғими 0,5 куб.м.дан кам бўлмаслиги, дивателнинг иш ҳажми 5,0 литрдан кўп бўлмаслиги, дивателнинг қуввати 100 та от қучидан кам бўлмаслиги, дивател турини – дизель (дизель ёқилғисида ҳаракат қилиши), ҳаракатлашни тезлиги 25 км/соатдан кам бўлмаслиги керак.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатлариға ёзилиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Тошкентгазтаъминот" давлат унитар корхонаси қуйидаги манзилига мувожаат қилишлари мумкин.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Тел/факс: 241-15-26/32.
Танлов ҳужжатларининг бир тўплама қиймати – 120 000 (бир юз йигирма миң) сўм.
Тақлифлар (офферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги мuddати офферталар очилиш кунини ва соатига.
Тақлифлар (офферталар) очилиши, матбуотда эълон қилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси биносида ўтказилади.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ бошлангич баҳоси олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
1. 2008 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк қўйилмоқда:
1. Тошкент вилояти, Покент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 26.02.2008 йилдаги 11-0825/2007-сонли буюртмиға асосан хатланган, Покент шаҳар "ПМК-3" корхонасиде сақланаётган, "КАС-701" русумли, д/р 13-69 ЕК бўлган, 1988 йилда и/ч кран. Бошлангич баҳоси – 6 905 000 сўм.
2. Тошкент вилояти, Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Бекобод тумани судининг 08.08.2008 йилдаги 5-1135-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод тумани "Ешлик" ХХСКде сақланаётган, "Камаз-5320" русумли, д/р 119162 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 4 800 000 сўм.
3. Тошкент вилояти, Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Бекобод тумани судининг 08.08.2008 йилдаги 5-1133-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод тумани "Ешлик" ХХСКде сақланаётган, "Камаз-5312" русумли, д/р 11М3347 бўлган, и/ч йили йўқ автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 5 000 000 сўм.
4. Тошкент вилояти, Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Бекобод тумани судининг 08.08.2008 йилдаги 5-1134-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод тумани "Ешлик" ХХСКде сақланаётган, "Камаз-5320" русумли, д/р 1109772 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 4 500 000 сўм.
5. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 02.03.2007 йилдаги 2-48-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳар ИИБда сақланаётган, "М-412" русумли, д/р 11В6328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 1 931 151 сўм.
6. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 26.11.2007 йилдаги 11-0721/9515-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳар "Олмалиқ гўшт сут савдо" ОАЖда сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 11АК383 бўлган, 2003 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 11 624 304 сўм.
7. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 26.11.2007 йилдаги 11-0721/9515-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳар "Олмалиқ гўшт сут савдо" ОАЖ, Бўстон қишлоғиде жойлашган, қурилиш жой участкаси 7899,45 кв.м., ховли майдони 11871,8 кв.м. бўлган, Бино ва иншоотлар ҳамда музлақчи дастгоҳлари. Бошлангич баҳоси – 703 199 134 сўм.
8. Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Қибрай тумани судининг 26.08.2008 йилдаги 6-1893-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Аргин-савдо" УҚда сақланаётган, "Камаз-5511" русумли, д/р 11В8621 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 7 500 000 сўм.
9. Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Қибрай тумани судининг 26.08.2008 йилдаги 6-1894-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Аргин-савдо" УҚда сақланаётган, "Камаз-5511" русумли, д/р 11В9125 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 8 500 000 сўм.
10. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Қибрай тумани судининг 15.07.2008 йилдаги 6-1266-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳар ИИБ ИХХБ саклаш майдончасиде сақланаётган, "Мазда-626" русумли, д/р Х837НSM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 5 000 000 сўм.
11. Шунингдек 2008 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақрибан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти, Қибрай тумани судининг 25.03.2008 йилдаги 415-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Аргин-савдо" УҚда сақланаётган, "ГАЗ-6614" русумли, д/р 30К651Т бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Жорий бошлангич баҳоси – 2 268 000 сўм.
Мазкур автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоқифа қилиб қилиниши мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамини тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.
Диққат тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 06.09.2008 йилдаги 71-сониде топ этилган хабарномада, Уртачирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилиб савдоға чиқарилган "Джип-ESCALADE" русумли, д/р М077МНМ бўлган автотранспорт воситасининг бошлангич баҳоси – 8 640 000 сўм деб кўрсатилган, ушбу жумла автотранспорт воситасининг бошлангич баҳоси – 8 912 000 сўм деб ўқилиши; Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ураббоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Паркент туманининг Оқоқ ота гушасидаги ўтказилган ёзги тажрибалар ниҳоясига етди.

ВИДЕОФИЛЬМДА АКС ЭТган КОЛЛЕКЦИЯ

Ўзбекистон миллий университети биология-тупроқшунослик факультети талабаларининг амалиёт машғулоти давомида ноёб ўсимликлардан иборат гербарийлар мажмуаси ҳам юзага келди. Бу изланишлар фото ва видеоматериаллар кўринишига келтирилди. Улар алоҳида ҳужжатли фильм қилиб факультет музейига топширилди.

Ушбу видеокolleкция кўргазмалли ўқув воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт
БУ САФАР НАТИЖАЛАР ДУРУСТ

Пойтахтдаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида каратэ бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Шарқ акасурашлари ва жанг санъати маркази, Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси ҳамкорлигида ҳар йили анъанавий тарзда, юқори савияда ўтказиб келинаётган бахсларда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 900 нафар ёш каратэчилар 50 та гуруҳда бўлинган ҳолда майдонга тушди.




Икки кун давом этган шиддатли ва мurosасиз бахсларда вилоятимиз шарафини Чирчик, Бекобод шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидан ташриф буюрган спортчи ёшлар ҳимоя қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимиз вакиллари бу йилги мусобақада ҳар сафаридан ҳам фаол ва яхши тайёргарлик билан иштирок этдилар. - дейди вилоят каратэ миллий федерацияси котиби Эргашали Раҳимов. - Буни мусобақанинг ҳакамлар хайъати ҳам, кўпсонли каратэ ишқибозлари, томошабинлар ҳам эътироф этишди. Албатта, кўлга киритган натижаларимиз ҳам шунга яраша салмоқли бўлди. Вилоятимиз ҳисобига 3 та олтин, 6 та кумуш, 9 та бронза медаллари эзилди. Бу аввалги йиллардагига қараганда анча дуруст натижадир.

Мусобақада иштирок этган вилоятимиз вакиллари орасида чирчиқлик Зар-

нигор Умрзоқова, Наргиза Мелибекова, Келес шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари Жалол Нуриллаев, Нодир Собиржон номайиш этган жанг санъати, айниқса, кўпчиликка манзур бўлди. Ҳакамлар улар маҳоратини юқори баҳолашди ва голиблар қаторидан жой беришди.

Шу кунларда кўша-кўша ютуқларга эришялман, - дейди мусобақанинг олтин медалини кўлга киритган қора белбоғ соҳибаси Зарнигор Умрзоқова. - Бу йилги мусобақада ҳам бор имкониятларимни ишга солиб, голиб бўлдим. Кўни кеча эса "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган яна бир нуфузли "Келажак овози - 2008" танловининг вилоят босқичида спорт йўналиши бўйича



голибликни кўлга киритдим. Мусобақанинг барча голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан Суратларда: мусобақа ҳамда голибларни тақдирлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Шундан кейин

КОИНОТ УЧУН ТАОМ


Ошпазлар таъби нозик ҳўрандалар учун ҳар кўни бир янгилик ўйлаб топишади. Франциялик ошпаз, кўплаб мукофотлар совриндорлари Ален Дюкасс ўз таомномасини фазогирларга ҳам тақдиф этишга қарор қилди.

"Пазандалар кўторье" си ва унинг гуруҳи 15 хилдаги тансиқ таомлар тайёрлади ва "Прогресс" фазовий кемаси бортига астронавтлар учун юборди.

Дюкасс фазогирларга мўлжалланган таомномаларга қийматли қилич-балиқ, зираворлар кўйиб тайёрланган ўрдак гўшти, вино суосли қовурилган бедана каби егуликларни киритди.

Аммо бу тансиқ таомлар "Прогресс" фазогирларининг кундалик таомномасига киритилмайдди. Улар машҳур ошпазнинг "Ижод намуна"ларини фақатгина байрам кўнлари татиб кўришлари мумкин. Шўни айтиш керакики, базм дастурхонига тақдим этилган таомлар ҳаққаро космик станциясига келтирилишдан махсуслотларнинг талабига тўлиқ жавоб берадиган қилиб тайёрланади.

ЧИРОҚЛИ ДИВАН



Британиянинг Inspired Design компанияси пойма автомобиллари ишқибозлари учун гаройиб диванни сотувга чиқарди.


Икки ўриндиқли антиқа диванининг корпуси махсус шиша қопламадан ясалган ва тўқ сарик, ҳаворанг автомобиль бўёқлари билан бўялган. Диванининг ташқи кўриниши худди Porsche 917га ўхшатиб ясалиб, махсус чарм ўриндиқлар ўрнатилган. Унинг олд қисмига ҳақиқий автомобиль чироқлари ўрнатилган бўлиб, уларни ҳатто қўқиб-ўчирса бўлади. Бунда ёруғлиқда китоб ўқиб бўлмасда-да, йўқолган шиппақларни топиш мумкин.

Inspired Design диванлари ўта ноёб. Компания уни чекланган миқдорда ишлаб чиқарган. Нархи 7500 доллар.

Саядулла СИЁЕВ.

Обуна - 2009

КўНГИЛЛАРНИ ЁРИТУВЧИ ЖУРНАЛ



бўлиб, ҳатто, захри қотил савдосидан ҳам ҳазар қилмайдиган масжид имом-хатиби ҳақидаги захарханда фелетон, ичакүзди хангомалар журналининг 3-сониди оз эмас. Жиддий ҳажвий ҳикоя бир чимдим қулги бағишловчи латибалар билан журнал саҳифаларини беэзан. "Эгри йўлнинг тўқмоғи", "Ораниздаги афандилар", "Луқма", "Маърифий сўхбат" рўқнари остидаги гоҳ қулдириб, гоҳ ўйга толдирувчи мақолалар журнал ўзига тўн бинган Абдулла Қодирий анъанасига содиқлиқни тиклаётганлигидан бир дарак. "Янгиобод оёбод бўладими?" сарлаҳвали мақолада бугунги кун дарди қаламга олинган. Уни ва "Журналист суриштируви" рўқни остидаги "Қоғозлар жанги" оғриқли савол-жавобдан кейин журналхон "Қулғиҳона" да бироз дилёзди қилади.

Хуллас, "Муштум"нинг янгилигини, давр қувонч ва ташвишларига ҳамроҳлиқ фазилати сондан-сонга мукамалроқ бўлиб бораёпти. Келаси йилдан семимли журналининг азалий даврийлигини тиклайди - ойма-ой чоп этилади. "Муштум" учун бугун рўй-рост шўни айта оламизки, "Муштум"ни ўқиганлар дармонда, ўқимаганлар армонда! Журнални мунтазам ўқиш иштиёқидаги ихлосмандларга маслаҳатимиз битта: дарҳол семимли журналингизга обуна бўлинг. Шунда уни ҳар ойда дўқонмадкун излаб овора бўлмайсиз. Белгили мудатларда "Муштум"нинг ўзи дарвозагангизни қоқиб кириб келаверади. Дарвоқе, журнал индексини ёдда сақлаб қолинг: 842.

Манавиниси иш қолиб, гап-гаштақдан бўшамайдиган маҳалламиз оқсоқолининг худди ўзи. Кўйиб қўйгандек... Ҳа, Ўзбекистон қулги ва ҳажж журнали кейинги пайтда қўлма-қўл бўлиб бораёпти. Ҳаётимизда, теваарак-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик, долларга қул

Фирт маст ҳолда уйга келганимда болаларим мени танишмади. - Кайфинг тарқаганимда-чи? - Мен танимадим. Карасам, бированим уйда утирган эканман. 1 январь тонги. Йўл нозира машинани тўхтайтиб ҳайдовчига: - Ичибсиз-а? - Йўғе, нималар деяпсиз! Оғзимга ҳам олганим йўқ! - Нимага?! Кал одам кўзгуга қараб деди: - Буни қара-я, олт-

мишга тўлсамда, бошимда битта ҳам оқ сочим йўқ! - О, эрингиз янги костюм сотиб олдими? - Йўқ, мен бошқасига турмушга чиқдим... Икки дугона сўхбатидан: - Мен йигитимга "Сени бошқа кўришни хохламайман!" дедим. - У-чи? - Шартта туриб, чироқни ўчирди!

Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ҳамза туманидаги 14-хунар-техника билим юрти томонидан 1990 йил 25 июнда Алишшиков Икромжон номига берилган № 047313 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий офицерлар саройида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ижодий кеча ташкил этилди.

Унда Куролли Кучлар академияси тингловчилари ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозов ва "Сурхон" гуруҳи билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу каби тадбирлар Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашда жонбозлик кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларнинг дам олиш кўнларини мароқли ўтказишларига қаратилган.

Мен бундай тадбирларга оила аъзоларим билан келаман, - дейди П. Ортиқов. - Бу сингари кечалардан маданий ҳордиқ чиқаради киши. Бугунги учрашувда М. Номозов ва унинг гуруҳини ақиндан билши имконига эга бўлдим.

Учрашув давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан "Сурхон" гуруҳи аъзоларига мувожабат этишди. Тадбирда янграган қуй-қўшиқлар йилгиланларда катта таассурот қолдирди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

Эшигига "Комиссия" деб ёзилган хона. Ичкарида икки жарроҳ. Бири новча, бири пакана. Новчаси деразага суяниб турибди.

1-жарроҳ: Одамнинг юраги сиқилиб кетди-ку, ошна. Бирор қизик гап айтинг-да, кўнглини ёзайлик.

2-жарроҳ: Бўлмас эшитинг. Бир фермер йигит бор экан. У туман марказидан битта жазман ортириб қўйибди. Гоҳо хотинига, мен далани бир айланма келай, экинга мол-пуш тиб кетмадиман, деб раيونга суриб қоларкан. Бир кўни ошқ йигит, қоракўзим қайда-сан, деб йўлга чиқибди. Шаҳарга келибди. Отини қадрдон доминг чеккароғига боғлаб қўйиб, машуқасининг олдига кириб кетибди. Бир вақт эшикни кимдир гурс-гурс ураётганимиз. Бечора аёлгина кўрқа-писа эшикка бориб, "Ким?" деса, индамас эмиш, ҳадеб эшикни гурсиллатиб урармиш. Аёл бир ҳолатда эшик оқса, ташқарига биласизми, ким турган экан?

1-жарроҳ: Соқов тиланчи.

2-жарроҳ: Бе-е! От турган экан. От нима дебди денг? "Уэр, янга, ёмғир ёғапти, совотиб кетдим. Ҳўжайинга айтинг, нариги подёзда тураман!" дермиш. (Шу пайт эшик очилиб кўш қўлтиқтаёққа суянган кечса киши кирди)

Чол: Уф-ф... Хайрат, югуравериб, қўлларим қабабри кетди-я. (У ҳолсизгина, қушткага ўтириб қолади)

1-жарроҳ: Ҳеч замонда югурган одамнинг қўли қаварадими? Аммо, гапни ҳам кийворар экансиз, амаки.

Чол: Мана, панжаларимга қара, дўхтир болам. Ун етти йилдан бери мана шу икки таёқни чангаллаб югураман. Қўлларим тугул миям ҳам қабабри кетди-ку! Ҳа, шу оёқни "йўқ" деб ёзиб берсаларинг, менга зарил кепти-ми эшикма-эшик юриш?

2-жарроҳ: Қани, оёқларини очсинлар, отам. (Чолнинг чап оёғини ўлжайди). Во, ажаб, бир миллиметр ҳам ўсмаган-а!

Чол: Ҳўв, нима қилаяпсиз, бобой, бу ер шифохона... 2-жарроҳ: Бўлди қилинг, илтимос... (Отaxon-йигит уларга қулқол соймайди, шох ташлаб ўйнайверади, сўнг ер депсиниб, қула-қула чиқиб кетади)

1-жарроҳ: Қизик бўлдию, коллега. Туш қўрдими ё бирон қори ҳол ўз бердими? 2-жарроҳ: Отaxon қани? Ие, таёқлари қолиб кетибди-ю. (Иккала қўлтиқтаёқни олиб келади. Буларни нима қилаяпти?)

1-жарроҳ: Бўлишиб оламиз. Биттаси сизга, биттаси бизга. Битта ярим қўлтиқтаёқ излаб юрган бўлса, мана марҳамат. (Иккови икки қўлтиқтаёққа суяниб қотиб қоладилар).

Саядулла СИЁЕВ.

УЧ ОЁҚЛИ ОДАМ (Интермедия)

Берган пенса пулини е-э-эб ётмайман! 2-жарроҳ: Биз инструкторияни бузолмаймиз, отaxon. Уни биз ёзмаганмиз. Қани, ечининг-чи. Бу ёққа ўтинг, бир текшириб қўйайлик. Чол: Таваба, қайта-қайта текширган билан оёғим ўсиб чиқардимми? (Жарроҳ болғача билан отанинг оёғига уради) 1-жарроҳ: Оғриятими? Чол: Йўқ. Еғочнинг жони бўлмасда, нимаси оғрийдми? 1-жарроҳ: (Иккинчи

оёқни уриб) Энди-чи, оғридимми? Чол: Ҳов, секинроқ, ноинсоф! Тагин бунисидан ҳам айрилиб қолмай.

1-жарроҳ: Шавкатжон, отaxonнинг чап оёқларини бир ўлчаб кўрасизми? Бултурги варақасини ҳам қаранг, ўзгариш борми-йўқми?

(Иккинчи дўхтир тасмадек метрни олиб, чолга яқинлашади)

2-жарроҳ: Қани, оёқларини очсинлар, отам. (Чолнинг чап оёғини ўлжайди). Во, ажаб, бир миллиметр ҳам ўсмаган-а!

Чол: Ҳўв, нима қилаяпсиз, бобой, бу ер шифохона... 2-жарроҳ: Бўлди қилинг, илтимос... (Отaxon-йигит уларга қулқол соймайди, шох ташлаб ўйнайверади, сўнг ер депсиниб, қула-қула чиқиб кетади)

1-жарроҳ: Қизик бўлдию, коллега. Туш қўрдими ё бирон қори ҳол ўз бердими? 2-жарроҳ: Отaxon қани? Ие, таёқлари қолиб кетибди-ю. (Иккала қўлтиқтаёқни олиб келади. Буларни нима қилаяпти?)

1-жарроҳ: Бўлишиб оламиз. Биттаси сизга, биттаси бизга. Битта ярим қўлтиқтаёқ излаб юрган бўлса, мана марҳамат. (Иккови икки қўлтиқтаёққа суяниб қотиб қоладилар).

Саядулла СИЁЕВ.

Чамза туманидаги 14-хунар-техника билим юрти томонидан 1990 йил 25 июнда Алишшиков Собиржон номига берилган № 047312 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ.

«Қорадори - 2008»

ЗАВОЛ ТОПГАН УМРЛАР

Гўёҳандлик - иллат. Жамиятимизни ундан ҳалос этиш учун эса, ҳар бир юртдошимиз оғоҳ бўлмоғи зарур. Токи, бу бало ҳар сонида оиламизга, фарзандларимизга "ҳужум" қилишга шай эканлигини унутмайлик.

Миллатлар анъаналари ва мамлакатлар сарҳадларининг аҳамияти бўлмаган бу муаммо оқибатида қанчалар оилалар азият чекомда, ногирон фарзандлар дунёга келмоқда, қотилликлар, хунрээликлар юз бермоқда. Энг ачинарлиси, ёшларимиз бу захри қотил домга билиб-билмай тушиб қолаётирлар.

Гўёҳандликка қарши курашини ва бу иллат келтирувчи фожияларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли "Қорадори" тадбири мунтазам ўтказиб келинмоқда. Вилоят ички ишлар ходимлари инсон саломатлигига қучли таъсир этувчи гўёҳандлик моддаларининг асоратлари ҳақида жойларда сўхбатлар ўтказиб, бу балога йўлиққан кимсаларнинг ҳаёти, унинг хунук оқибатлари тўрисидаги видеофильмлари на-

буладиган пайтида бу киши шундай қабиҳликка қўл уриши халқимизнинг "Гап ёшда эмас, бошда" деган нақлини ёдга солади.

Оҳангарон туманида ўтказилган тадбир ҳарёнида эса, Фаллақудуқ шаҳарчасидаги "Мустанг" корхонаси ишчиси Ихтиёр иш жойи яқинида гумонланли текширилди. Унинг ёнидан ҳам роппа-роса 4 килограмм 400 грамм марихуана топилди.

Хўшёр ходимлар томонидан фош этилган қуйидаги ҳолатда эса, гўёҳанд моддалар тайёрлаш соҳасида анча тажрибали бўлган фуқаронинг қилишларига чек қўйилди. Олмалик шаҳрида фуқаро Вячеслав бир килограммга яқин марихуана гўёҳанд моддасини қовураётганида ушланди.

Бундай профилактик тадбирлар давомида гўёҳанд воситалар олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятлар ҳам фош этилаётир. Бекободлик Адхам ёш бўлишига қарамай, гўёҳаванд моддаларни сотиш ва ётказиб беришда анча

"тажриба" тўплаганлардан бўлиб қичди. Ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирлар натижасида Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғини 2-булимида Адхам 29,9 грамм героин гўёҳанд моддасини Янгийўл шаҳрилик Рашиддинга 300 АҚШ долларига сотганлиги аниқланди. Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида эса, Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тожикистон билан чегарадош ҳудудида беркитиб қўйилган 938,4 грамм олий ва 30,7 грамм героин гўёҳанд моддалари Адхам олиб сотиши учун мўлжалланганлиги ҳам аниқланди.

Умр баҳорини, навқирон йиллар куч-қувватини эзгу ишларга эмас, ноқонуний хатти-ҳаракатларга сарфлаб, жиний гуруҳнинг муҳим халқаларидан бирига айланган Адхамнинг сўнги пушаймонидан энди наф бормикан?

Хуришд РЎЗИЕВ.

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ёзлонлар: 236-55-03, 236-53-54. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ.